

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ КАССАЦИЯ

А Ж Р И М И

2021 йил август ойининг 12 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, очиқ суд мажлисида, ўз биносида, видеоконференция алоқа режимида,

Раислик этувчи – судья: Б.Тангабаев,

ҳайъат аъзолари, судьялар: Р.Исмайлов ва А.Игамбердиевлардан иборат таркибда, Т.Исмоиловнинг котиблигида, адвокат И.Шамситдинов ва тарафлар иштирокида, даъвогар Шоирахон Исақованинг жавобгарлар Махсутали Исақов ва Мамадали Исақовга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво талаблари юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2020 йил 6 июлдаги ҳал қилув қарори ва Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 13 августдаги ажримига нисбатан Ш.Исақова томонидан берилган кассация шикоятини фуқаролик иши асосида кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Даъвогар Ш.Исақова судга 2020 йил 22 майда жавобгар даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарлар М.Исақов ва М.Исақовларга нисбатан даъво ариза билан мурожаат қилиб, уч нафар фарзандлари билан биргаликда Учкўприк тумани, “Катта қашқар” кишлоғи, Истиклол кўчаси 97-уйга доимий яшаш учун мажбурий тартибда киритишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2020 йил 6 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар Ш.Исақованинг жавобгарлар Махсутали ва Мамадали Исақовларга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъвоси рад қилинган.

Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 13 августдаги ажрими билан суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларидан норози бўлиб, Ш.Исақова томонидан кассация шикоятини келтирилиб, унда суд ҳужжатларини бекор қилиб, ўзининг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарорини қабул қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судьяни маърузасини, кассация шикоятини юзасидан тарафлар ва адвокатнинг тушунтириш ва эътирозларини тинглаб, унда келтирилган важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра, уни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 15-моддасининг 1-қисмига асосан суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг

ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

Аниқланишича, даъвогар Шоирахон Исақова жавобгар Махсутали Исақов билан 1992 йил 12 сентябрда қонуний никоҳдан ўтган ва уларнинг биргаликдаги турмушларидан 1993 йил 2 августда Мамажонов Саодатхон, 1997 йил 26 январда Муҳаммадҷонов Муҳторали ҳамда 2002 йил 14 декабрда Муҳаммадҷонов Рўзали исмли уч нафар фарзандлари туғилган.

Оилавий келишмовчиликлар оқибатида эр-хотин 2018 йил июндан бери бирга яшамайди, эр-хотинлик муносабатлар тугатилиб, биргаликдаги умумий рўзғор юритилмайди.

“Катта қашқар” МФЙ томонидан 2020 йил 14 январда тузилган далолатномада Ш.Исақова М.Исақов билан қонуний никоҳдан ўтганидан сўнг, қайнотаси Муҳаммадҷон Исақовнинг хонадонига келин бўлиб тушганлиги, 1999 йилда турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан биргаликда Истиклол кўчаси 97-уйга кўчиб чиқиб кетишганлиги, эр-хотин биргаликда 3 хона уй, айвон, кириш йўлаги, ҳаммом, тандирхона, молхона ва иккита иссиқхоналар қуриб битказганлари, келин 2018 йил 4 июнда жанжал сабабли уйдан чиқиб кетганидан сўнг, 2018 йил 5 июнда турмуш ўртоғи яшаш уйига ўт қўйиб юборганлиги қайд қилинган.

Учкўприк туман ҳокимининг 1992 йил 31 мартдаги 3-сонли қарорига асосан аҳолига уй-жой ва қўшимча томорқа ери ажратиш ҳақидаги “Х.Ҳақимзода” номли давлат хўжалигининг 1992 йил 9 январдаги 4д-сонли буйруғи ва Дзержинск қишлоқ кенгаши ижроия қўмитасининг 1992 йил 29 январдаги 5/1-сонли қарори тасдиқланган.

Иловадаги рўйхатнинг 9-рақамида Мамадали Исақов кўрсатилиб, ер участкаси 0,10 га эканлиги кўрсатилган.

Туман ҳокимлигининг қарорини тасдиқлаш вилоят ҳокимлигидан сўралган бўлсада, бундай тасдиқ амалга оширилганлиги ҳақида ҳужжат тақдим қилинмаган.

Иш ҳужжатларида “Катта қашқар” қишлоғи, Истиклол кўчаси 97-уй жавобгар Мамадали Исақовнинг хусусий мулки эканлигини тасдиқловчи далиллар тақдим қилинмаган.

“Катта қашқар” МФЙнинг 2018 йил 15 августдаги 2688-сонли маълумотида Ш.Исақова турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб, уйга ўт қўйилганидан бери унда Одилдон Солиев яшаб келиб, кириб яшашига тўсқинлик қилаётганлиги баён қилинган.

Ш.Исақова Истиклол кўчаси 97-уйга кириб яшашга ҳаракат қилганлиги, лекин уни уйга кириб яшашига тўсқинлик қилинганлиги МФЙнинг қайд этилган ҳамда 2020 йил 9 июндаги маълумоти шунингдек, Учкўприк тумани маъмурий судининг 2020 йил 10 мартдаги қарорлари билан исботланган.

Суд, Ш.Исақова Истиклол кўчаси 97-уйда доимий рўйхатда турмаслиги ҳамда мулкдорга оила аъзоси ҳисобланмаслиги асосида даъвони рад қилиш ҳақида ҳулосага келганлиги билан апелляция инстанцияси асосли равишда келишмаган бўлсада, Истиклол кўчаси 97-уй бузилиб, ер участкасида

фақатгина тандирхона ҳамда иссиқхона қолганлиги ҳақидаги хулоса билан даъвои рад қилиш ҳақида нотўғри фикрга келган.

Шунга кўра, Ш.Исақованинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи шаклландиғани инобатга олиб, судлов ҳайъати суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарорини қабул қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 419-моддасининг 1-бандларига кўра, кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестни) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

Шунга кўра, судлов ҳайъати Ш.Исақованинг кассация шикоятини қаноатлантиришни ва ФПК 138-моддасига асосан даъво аризани топширишда тўлаган 448.230 сўм давлат божи ва ВКС харажатларини жавобгарлардан унга ундиришни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419¹, 419²-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати,

А Ж Р И М К И Л Д И:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Кўкон туманлараро судининг 2020 йил 6 июлдаги ҳал қилув қарори ва Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 13 августдаги ажрими бекор қилинсин ва қуйидаги мазмунда янги ҳал қилув қарори қабул қилинсин.

Даъвогар Ш.Исақованинг даъво талаблари қаноатлантирилсин ва у Учкўприк тумани, “Катта қашқар” МФЙ, “Катта қашқар” қишлоғи, Истиқлол кўчаси 97-уйга киритилсин.

Жавобгарлар Махсутали Исақов ва Мамадали Исақовлардан даъвогар Шорахон Исақова фойдасига 448.230 (тўрт юю қисқ саккиз минг икки юз ўттиз) сўм давлат божи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига (олувчи: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, манзили: 100186, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй, шахсий ҳисоб варағи: 401410860262777033210011001, СТИР: 200936561, ғазна ҳисоб рақами: 23402000300100001010, банк: МБ ББ ҲККМ Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР (ғазна): 201122919 реквизитлари бўйича) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ тўлов сифатида 61.250 сўм ундирилсин.

Раислик этувчи,

Б.Тангабаев

Ҳайъат аъзолари,

Р.Исмайлов

А.Игамбердиев